

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажак
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 22 май, №108 (3220)

Пайшанба

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

21 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2002 йил юзасидан ҳисоботи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Марказий банк раиси Ф. Муллажонов матбузда қилди. Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга ҳамда пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларида мувофиқ амалга ошириш. Натيجанда инфляция даражасини пасайтиришга, валюта бозорини янада эркинлаштиришга эришилди ҳамда мамлакатда макроектисодий ва молиявий барқарорлик таъминланди. Банклар томонидан иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳамда йилдан йилга ортиб бормоқда. Кредитлар асосан устувор лойиҳаларни молиялаштиришга, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Жорий йилнинг 1 январдаги ҳолатга кўра кредит қўйилмаларининг 80 фоиздан ортигини узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ташкил этди. 2002 йилда банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш

чуқурлаштириш юзасидан амалга оширилган чоратadbирлар натижасида банкларнинг умумий капитали, активлари ва кредит қўйилмалари ҳажми ўтган даврларга нисбатан анчагина ошди. Жисмоний шахсларнинг банклардаги депозитлари бўйича маблағлари ҳажми ўтган йилдагига нисбатан икки баравар ўсганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончидан далолат беради. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ҳамда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилганлиги ушбу жараённинг ривожланишида ижобий омил бўлди. Бўлиб ўтган муҳокама асосида шу нарса қайд этилдики, ўтган даврда деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлашга банклар томонидан эътибор кучайтирилган. Ҳисобот йилида кичик ва ўрта бизнес соҳасига йўналтирилган кредитлар суммаси 265 миллиард сўмга этди. Банкларро рақобатни ривожлантириш ҳамда мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида тижорат-банклари кичик

банклар шохобчаларини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрдилар, натижада бундай банкларнинг сони ўтган йили деярли уч баравар кўпайди. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, мамлакат молия бозоридagi рақобатни янада ривожлантириш, тадбиркорларнинг кредитлар олиши учун қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида Марказий банк томонидан молиявий институтларнинг янги тизимини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш борасида қатор самарали чоратadbирлар амалга оширилди. Кенгаш мажлисида Марказий банкнинг 2002 йилги фаолиятига «Делойт энд Туш» халқаро аудиторилик компанияси томонидан ижобий баҳо берилган ҳулосаси маълумот учун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига изчил пул-кредит сиёсати ўтказишни пул оқимларини тартибга солиш ва пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга, банкларро пул бозорининг янги воситаларини қўллашга оид қўшимча чора-тадбирлар кўрган ҳолда давом эттириш тавсия этилди. Мажлисида Олий Мажлис Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.



«Пластекс» жаҳонга чиқмоқда

Зангиота туманидаги «Пластекс» хусусий корхонасида Италиянинг замонавий асбоб-ускуналари ва технологиялари ёрдамида полиэтилен идишлар ва пайклар ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бу ерда 1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаб, унинг 70 миң АҚШ долларлиги хорижга экспорт қилинди. Эътиборлиси, ҳозирга қадар хомашё асосан четдан олиб келинарди. Эндиликда жамоа маҳаллалаштириш дастурига кўра, маҳсулотларни ўзимизда мавжуд хомашёдан тайёрлаш бўйича изланишлар олиб бормоқда. Ушбу жараёнда ёш ишчи Раҳим Юнусов ҳам фаол иштирок этаяпти.

СУРАТДА: оператор Раҳим ЮНУСОВ.
ДАВРОН АХМАД олган сурат.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Саидмурод РАҲИМОВ). Тошкентда савдо-иқтисодий ва фан-техника соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Эрон Ҳукуматларо комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида икки мамлакат Ҳукуматларо комиссиясининг ҳамраислари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Юнусов ҳамда Эрон Ислам Республикаси савдо вазири Муҳаммад Шарият

малдорий раҳбарлигидаги делегация иштирок этди. Мажлисе иштирокчилари икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳақиқатан аҳборот билан таъминлаш, Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги иқтисодий-деғнетнинг турли соҳаларида узаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Ўзбекистон билан Эрон Ислам Республикаси ўртасида иқтисодий-иқтимоий ҳамкорликни ривожланти-

риш учун катта имкониятлар мавжуд. Ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислам Республикаси ўртасида узаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг тамойиллари ва йўналишларини белгилаб берувчи ўн бешдан ортиқ ҳужжатлар ва идораларо ҳужжат имзоланган. Айни пайтда Ўзбекистонда икки мамлакат ишбилармонлари ҳамкорлигида 53 та корхона фаолият юритмоқда.

ЎЗА.

Пойтахтимизда

Ёшлар фан ва техника тараққиётида

Бу анжуманда устозлар болбонга, ёшлар — талабалар ниҳолга қўйилди. — Ниҳолнинг туپ қўйиб, палак ёзиши, мева бера бошлашида болбоннинг сабр-бардоши, меҳр-муҳаббати, алоҳида парвариши нечоғли зарур бўлса, ёшларнинг ўсиши, фикр доираси кенгайиши, иқтидорининг намоён бўлишида устозларнинг ўрни алоҳида, — деди анжуман иштирокчиларини қутқалар, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махусе таълим вазири Саидмурод Гуломов. — Зеро, Тошкент Давлат техника университетиде 2001 йили ташкил этилган Ёшларнинг Беруний академияси аъзолари бўлган иқтидорли талабаларнинг илмий-техник салоҳиятини ошириш, икжодий баркамоллигини юксалтиришда олий ўқув юрти доимларининг хизмати беқубе. Шу кунларда эса мазкур академия томонидан уюштирилган «Фан ва техника тараққиётида ёшлар» мавзундаги анжуман талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини баҳолаш ҳамда улар олиб бораётган илмий ишларнинг натижаларини таҳлил қилиш мақсадида ўтказилаяпти. Унда 550 нафардан ортиқ талабалар мамлакатимиз илм-фан олиндаги долзарб муаммоларини ҳис қилган ҳолда фундаментал, иқтимоий-гуманитар, электроника ва автоматика, компьютер технологиялари, машинасозлик, геология, иқтисодий сингари йўналишлар бўйича мустақил маърузалар қилдилар. Шуниси аҳамиятлики, бу илмий маърузалар турт қисмдан иборат бўлган тўпلامда нашр этилиб, анжуман қатнашчиларига тарқатилди. Анжуманнинг очилишида Тошкент Давлат техника университетининг ректори, профессор Қаҳрамон Аллаев бу сафарги дингнинг аввалдигаридан фарқи анжуман сўнгиде «Энг яхши илмий маъруза» тайловни ўтказишнинг таъкидлади. Бундан мақсад талабаларнинг интеллектуал баркамоллигини юксалтириш, уларнинг илмий изланишларини модаий манфаатдорлик асосида олиб боришдан иборат. Қолаверса, Беруний, Хоразмий, Улуғбек сингари алломаларнинг издошларини излаб топиш, уларни илм ва техника чўққилари сари ундаш академиянинг асосий вазифаларидандир. Анжуман очилишида, шунингдек, Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё, Германиянинг академик алмашинуви «ДААД» фондидан Ева Португус хоним ва бошқа хорижий жамғармалар вакиллари қатнашди.

Унда ФАЙЗИВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбек кураши Грецияда

Юртимизда катта спорт байрами — «Умид ниҳоллари — 2003» якун топган бир пайтда дунёнинг гўзал мамлакатларидан бири Грецияда ўзбек кураши бўйича халқаро мусобақа бошланган арафасида. Халқаро Кураш

ассоциацияси матбуот хизматининг хабар қилишича, шу йил 24-25 май кунлари кўҳна юртинг Флорина шаҳрида бўлиб ўтди-ган турнирда 60, 66, 73, 81, 90, 100 ва юз килограммдан ортиқ вазн тоифаларида 24

полвон ўзаро куч синашади. Унда жохоннинг кўза кўринган полвонлари билан бир қаторда, Ўзбекистондан ҳам етакчи курашчилор иштирок этиши кўзда тутилган.

Дилмурод ПАРПИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири

Жойлардан хабарлар

СУРХОНДАРЁ: ЎРИМ ЯҚИН

ТЕРМИЗ. (ЎЗА мухбири Чорн ТУХТАЕВ). Бу йил сурхондарёлик деҳқонлар 95 миң гектар майдонда галла етиштиришди. Воҳудин Термиз, Жарқўрғон, Музаброт қабн жанубий туманларида ҳосил етилиб қолди. Айни кунларда вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил бошқодон эканлар ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкил чоратadbирлар тўғрисида»ги

қарори ижросини таъминлашга жиддий эътибор берилаяпти. Сурхондарё вилояти машина-трактор паркларини бирлашмасидан олинган маълумотларга қараганда, 136 та «Кейс» мавсумга тахт. Яна ўн бешта янги «Кейс» келтирилди. Кичик майдонлар ҳосилини ва лаъми буюдийин ўрни учун 177 «Енисей», «Нива» руюсумли комбайн таъмирдан чиқарилди. Галла ўрим-йиғим мавсумини 20-25 иш куниде якун-

лаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Комбайнларнинг унули ишлани, дон ирофарчилигига йўл қўймаслик мақсадида комбайн ҳайдовчилари ўқитилиб, аттестациядан ўтказилди. Мавсум давомида узилдиларга йўл қўймаслик мақсадида жами 500 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Ёшларнинг материалларини марказлашган ҳолда ва белгиланган лимит асосида таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

«Спорт шон-шухрати» музейи

Халқимиз азалдан яхши кунларга, байрамларга муносиб тўхфалар тайёрлашни хуш кўради. Катта спорт мусобақаларини олдиқдан «Хива» марказий стадиониде «Спорт шон-шухрати» музейи ташкил қилинди. Музей залларидан ўрин олган экспонатларда турли йилларда спортда эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Айниқса, шеърларда ва курашда доврў таратган, мард, жасур Шаҳавдон Маҳмуд хотирасига бағишланган ўзбекистон халқаро турнирлардан олинган суратлар кўргазмаси музейга алоҳида руҳ бағишлаб турибди.

Энди ушбу музейдан «Умид ниҳоллари — 2003»га оид материаллар, видеоёзувлар ҳам унутилмас ҳажволлар кунларига акс эттирувчи экспонат сифатида жой олади.

Ш. МАШАРИПОВ.

Хуқуқий саводхонлик барчага зарур

Деҳқон ва фермер хўжалиқлари хуқуқий ҳимосини кучайтириш ҳамда соҳа ҳолдемларининг хуқуқий саводхонлигини ошириш бағишланган республика семинарининг Жиззахда ўтказилиши бежиз эмас. Вилоятда 11 миңдан зиёд фермер хўжалиқлари мавжуд. Кейинги йилларда кўриқ воҳалда фермер хўжалиқларининг ўнга хос мактаби яратилди.

Семинар иштирокчилари иқтисодий соҳада қонуничликни мустаҳкамлаш, фермер хўжалиқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, шартномалар мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашда жойларда олиб борилаётган ишлар, амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида фикр алмашишди.

Баҳридин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бувайдаликларнинг бедор кунлари ёки пайкал бошидаги дилдан суҳбат баёни

Марказий Фарғона чўлининг бир бурчида туташиб кетган ерларни бувайдаликлар Янгиқалам, деб аташади. Бир пайкал бирбон бўлган бу манзил ҳозир ажиб дилтортар ҳибобларга айланган. Лекин Янгиқаламга инсон қадами қачон етиб келганлигини бирор киши аниқлай олмайди. Аммо нафақат Бувайдало Кўқон тарафларда, балки бутун водийда ҳандлакнинг энг олди, қовуннинг тилими тилини ёрайдиган навлари шу ерда яратилишини ҳамма яхши билади. Айниқса, сўнгги йилларда бутун водийга овоза бўлган Ўзган девизирсини сиқиб чиқарган Бачқир гуручи ҳам айнан Янгиқалам кентликларида, чўл бағридан юлқиб олинган ерларда етиштирилди. Бувайдаликлар — меҳнатқаш, чапани, шу билан бирга, ҳазил-мутойба ва аскияга мойил инсонлар ҳисобланади. Бу йилги баҳор, айниқса, деҳқон бардошию саботини қайта-қайта синовлан ўтказди. Аньананаги бинаво, янгиқаламликлар ер илши биланоқ, қўшомочни дадага олиб чиқилди. Кеч кузгаёқ асосий майдонлар ҳайдалиб, пушта тортилиб, чигит экишга тахт қилиб қўйилганлиги учун ҳам Ҳамалнинг алоғи, Сарв ойининг илк кунларидеёқ 600 гектар ерга сифатли уруғ қаллади. Ҳафта ўтмай эса, гўза ниҳоллари кўза ташланди. — Деҳқоннинг ўз дала дафтари, табиат билан ҳисоб-китоби бўлади, — деди пайкал бошидаги суҳбатимизда «Янгиқалам» ширкат хўжалигининг раиси Абдуҳамид Абдуқодиров. — У тақвимга, ойу кунга юзланмай, ариқ бўйида ялпизнинг пайдо бўлиши-ю, дархалларнинг илк куртак очилиши, ҳатто паррандаю даррандалар ва ҳашаротларнинг ҳаракатига қараб, қачон ерга уруғ қалаш лозимлигини, қачон озиклантиришини бошлашни ҳисоб-китоб қилиб боради. Биласизми, бу йил апрель ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб баъзи бир деҳқонларнинг ичига чироқ ёқса ҳам, еришмай қолди. Чунки бир ҳафта мобайлида тўтовези ёмғир ёғди-да. Ёмғир дегани, айниқса, шўр ерларни кўпчителиб юборди. Дала йўллариде нафақат трактор ва машина ҳатто одамнинг юриши ҳам қийинлашди. Ачинарлиси, икки кун ичиде кечагина қийғос кўкарган гўза ниҳоллари етим бўғайла мунайиб қолди.

Чўлда деҳқончилик қиладиган пахтақору соҳибқорлар табиий офатдан кўра қатқалоқ деган биладан кўпроқ кўришади. Чунки у ниҳолнинг ашаддий қунашдан. Бир кун, ҳатто бир соат дуратини ўтказиб юборганда, ёш гўзаларнинг умрига зомин бўлади. Шу туфайли мавжуд техника воситаларига қатқалоқни юмшатувчи мосламалар ўрнатди. Аҳвол шу даражада танг элдик, тумандаги ташиқлотларнинг тракторларини ҳам ёрамага қақчиришга тўғри келди. Шу тариқа 600 гектар майдондаги қатқалоқ икки кечаю икки кундазида мустақилди. Бироқ апрель ойининг ўрталарида бизнинг минтақада ҳеч қачон рўй бермаган ҳодиса содир бўлди. Тун бўйи ёққан ёмғир эрта тонгда хўл қор билан изиринни олиб келди. Оқибатда 300 гектар майдондаги гўза ниҳолларининг ўсиш нуқтаси ва барглари совуқ уриб кетди. Шунда чўлда илк қапа тиккан, чорак асрдан бери ер билан тиллашди келаятган Солтводди ота бошлиқ кекса деҳқонлар маслаҳатига қулоқ тутди. «Фурсат келганида офатдан қўн талафот кўрган майдонларга тезда қайта чигит экиш керак», дейишди улар.

Отақонларнинг кўпни кўрган кўзлари бу сафар ҳам алдамандигини вақт кўрсатди. Чунки танан соғломга ўхшаб турган ниҳоллар ҳам кўёб қарақлаш билан қорайиб қолди. Кечагина қатқалоқ мосламасини остиган агрегатларга яна экиш сеякларини тиркалди. Йилгирмата агрегат тунун кўн тўтовези иштилатди. Ҳафта охирилмай, 300 гектар майдонга қайтадан барака уруғи экилди. — Мана шу пайкалга чигит ташланганига ҳали бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ, — дея сўзини давом эттирди Абдуҳамид ака. — Кўриб турганингиздек, ниҳоллар бир текис униб чиққан. Бунинг сирин нимадалигини биласизми? Деҳқонларимиз ерга чигит билан бирга қалб кўрларини ҳам бахшида этишган. Биринчи чигит қаллағанда ҳар гектар майдонга йиллик ўнит миқдорининг 30 фоизини солинадиган. Албатта, унинг бир қисминини ёмғир ювиб кетди. Шу боис такрорий чигит экишда биз асосан маҳаллий ўғитга эътибор қаратдик. У, биринчи навбатда, кўп ёмғир туфайли тупроққа иниб қолган аччиқ захарнинг дамини кесса, иккинчидан, тупроқни қиздиради. Бу эса чигитнинг тез, дурқун ўсишига бош омилдир. Рансининг ён чўнтакларига чигит солинганини кўриб, рости, ҳайрон бўлдим. — Тула гектарлар ҳосил қилман, деган деҳқоннинг чўнтағида, яктагининг пешиде, этгининг кўнжиде чигит бўлиши керак, — изоҳ берди у. — Дала кезганда бўш ер кўришгани, дарҳол чигит қалайди. Балки бу кимгадир кулгани туялар, лекин асл деҳқонлар бу таомил ота-боболаринимиздан, авваллардан-аввалларда мерос бўлиб келаятганини яхши билишади. Мана, ўқарик четлари, ҳатто дархалларнинг остида ҳам гўза кўкариб турибди. Булар деҳқон чўнтағидаги чигитдан униб чиққан.

Ҳа, бувайдаликлар ҳосил тақдирини ҳал бўлаётган ҳар бир кунни фидойилик билан бедор ўтказишади. Шу туфайли ҳам, бўлуси мўл ҳосилга пухта замин яратилаётди. Пайкал бошида бўлиб ўтган дилдан суҳбат асосида бунга тула ишонч ҳосил қилдик.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАРАЁН ВА МОҲИЯТ ТААҚИНИ

Ироқда уруш туғди. «Шонли армия»си ҳақида бот-бот жар солган, Ироққа ҳужум бошланса, халқ тинч қараб турмаслиги тўғрисида керилиб баёнотлар берган Садад Хусейн ва унинг сафдошлари қисқа вақтда мағлубиятга учради. Ушбу операция тайёрланаётган, бошланган, давом этган кезларда дунё ахли сивасат майдониде ким аслида ким эканлигини яққол кўриш имконига эга бўлди. Операциянинг якунларидан эса янада бой хулоса чиқариш мумкин. Аввало, АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалиция нима учун Ироқда ҳарбий операция ўтказганини яна бир бор эслайлик. Садад Хусейн ўн йилдан ортиқ вақт мобайлида БМТ назирлари билан мушуқсичқон ўйнаб келди. Халқаро ҳамжамият хоҳиши-иродасига бўйсунмай, оммавий қиргин қуролларини яширди. Унинг белпасандлигига қанча чидаш мумкин, қабилидаги табиий саволлар туғилди. Сўнгги йилларда, айниқса, 2001 йил 11 сентябрдан кейин дунёда юзга келган вазитини ишонинч ва қатъий чора кўришдан ўзга илож йўқлигини кўрсатди. Тап шундаки, 11 сентябрь воқеалари террор таҳдиди мислсиз даражада катталашганига аянчино ишора бўлди. Самолётларнинг биного ури-

(Давоми 3-бетда.)

Ислохот ва солиқ тизими

Давлат бюджетини тўлдиришнинг асосий манбаи солиқлардир. Шу нуқтаи назардан қаралса, Қашқадарь вилоятида бу соҳада сўнгги йилларда ибратли ишлар амалга оширилганлиги аён бўлади. 2002 йилда давлат хазинасига 86936,2 млн. сўм маблағ туширилганлиги ҳам шундан далolat беради. Хўш, бунга қандай қилиб эришилмоқда? Мухбиримизнинг вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурмат Жулибеков билан суҳбати ана шу хусусда.

Ёндашув натижаси

— Тўғри. Президентимиз айтганларидек, «солиқлар ҳўжалик фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олиш билан бирга, ҳар бир тармоққа, корхонага алоҳида ёндашувни таъминлаш лозим». Биз ана шу кўрсаткич билан чиқиб келишимиз. Энг аввало, солиқ тизимини ошқораликни таъминлади. Амалда олиш-риладиган табирилар, эришилган тажрибалар, мавжуд камчиликларни оммавий ахборот воситалари орқали рўй-рост айтиш мумкин. Бунда журналистлар билан ҳамкорлик қилаётганимиз яхши самара бермоқда. Солиқ тўловчилар билан юзма-юз учрашувлар, айнақса, катта аҳамиятга эга бўляпти.

сасаси мансабдор шахси устидан жиноят иш қўзғатили. Шунингдек, 2002 йил давомида банк муассасаларида солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 449,4 млн. сўмлик даромад яширилганлиги аниқланди, 2003 йилнинг ўтган даврида ҳам 36 ҳолатда 166,1 млн. сўм даромад яширилганлиги маълум бўлди.

АЛОҲИДА

Ёндашув натижаси

— Нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишининг олдини олиш борасида ҳам назорат ишларини амалга оширяптиз. Масалан, 2002 йилда ва 2003 йилнинг ўтган даврида 239 ҳолатда назорат касса машиналаридан фойдаланмасдан савдо қилинганлиги аниқланди, 78,6 млн. сўмлик молиявий жарима қўлланнди. 320 та корхона ва ташкилотда 71,5 млн. сўм савдо пули банк муассасаларига топширилмасдан, яшириб қўлинганлиги раван бўлди. Уларга нисбатан 56,8 млн. сўм молиявий жарима қўлланнди. Бу ҳолатларнинг олдини олиш ва бартафат этиш юзасидан вилоят давлат солиқ бошқармасининг дастурида олиш режалар ва вазифалар белгиланган. Вилотдаги ҳўжўки муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда ана шу режа асосида қатъий ва изчил иш олиб боришмоқда.

ларга тушунтириб бера оладиган, нафақат иқтисодиётимиз, балки мустақил мамлакатимиз тараққиёти, равнақи, келажаги йўлида жон кўйиладиган инсон бўлмоғи лозим. Беш қўл баробар бўлмаганидек, солиқчилар ўртасида ҳам билими саёб, баъзан давлат, халқ манфаатидан кўра ўз эҳтиёлларини устун қўядиган ҳодимлар учраб туради. Бундай ҳодимлар нисбатан аёвсиз чора-тадбирлар кўрилиб, айбдорлар тегишли интизомий, керак бўлса, жинорий жавобгарликка тортиляпти.

Солиқ тўловчилар билан юзма-юз учрашувлар самараси, айниқса, катта бўляпти. Ана шуни ҳисобга олиб, корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлири, маҳалларда турли учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш одат тусига кириб қолди. Улар бу очиқ мулоқотларда ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олаётирлар. Айрим муаммоларга эса жойида ечим топиляпти. Қолаверса, «Энг интизомли солиқ тўловчи», «Энг интизомли солиқ тўловчи табирикор аёл» кўрик-танловлари анъанана айланди. Бу йил улар қаторига мактаб ўқувчилари ўртасида «Мен солиқ ҳўқида нималарни биламан?» ва «Обод маҳалла йили» муносабати билан «Энг интизомли маҳалла», «Энг интизомли участка давлат солиқ инспектори», вилоят олий ҳўдама ўрта махус касб-ҳўнар таълими ўқув юртлири, иқтисодий йўналишдаги коллежлар ўртасида «Зўжко талаба» кўрик-танловлари ҳам қўшилиди.

Фермерга кўрсатма не ҳожат?

2000 йилнинг бошида Богот туманида ташкил этилган Огахий номли деҳқон ва фермер ҳўжаликлари бирлашмаси таркибида 105 фермер ҳўжалиги мавжуд эди. Шундан 53 таси деҳқончилик, 4 таси чорвачилик, қолганлари боғдорчилик ва полизчилик билан шуғулланади. Уларга бир минг 625 гектар экин майдони 50 йил муддатга ижарага берилган.

— Ушбу бирлашмани ташкил этиб, оёққа турғизгунча озмунча заҳмат чекилмади, — дейди унинг раиси Йўлдош Саидов. — Аввало, фермер бўламан деганлар кўп бўлди. Лекин қайсинининг қўлидан иш келди, қайсиниси ернинг тилини билади — бу энг катта муаммолардан бири эди. Шу боис дастлаб ишни фермерлар онига «Мен мулкдорман, шу ернинг эгасиман, туриш-турмушим ана шу майдонда қилган меҳнатим, ундан олинладиган ҳўсильга боғлиқ», деган тушунчани синглиридан бошлашди. Ҳагги-ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Ҳўзир улар билан суҳбатлашиб кўринг, фермерликдан дарс беришадилар, керак бўлса.

Ислохот стратегияси

Бирлашмада ширкат ҳўжалиги ўрнида эмас, балки тўғридан-тўғри жамоа ҳўжалиги негизида ташкил этилган. Авваллари деҳқон далага ҳўшламайгина чиқарди. Чўнки меҳнат қиларди-ю, манфаат кўрмасди. Сабоби ҳўжалликда 100 дан ортиқ раҳбар ҳодимлар ишларди. Мисол учун деҳқонларга 70 минг сўм маош тарқатилса, раҳбарларга 100 минг сўм бериларди. Ҳўзир эса бирлашмада раҳбарият учун 5 та штат бор, холос. Натижада ҳўсильдорлик ҳам ошмоқда, даромад ҳам кўпаймоқда. 2001 йилда 13 млн. 519 минг сўм соф фойда қўлга киритилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 62 млн. 288 минг сўмга етди. Сабоби аён: фермерлар — ер эгаси, мулкдор. Каерга қайси экинни, қачон кўришни ўзи билади, қачон қўришни ўзи таъбирдан билди. Йилдан-йилга ҳўсильдорликни ошириш, бунинг учун ернинг унумдорлигини кўтариш лозимлиги ҳўқида ўйляйди. Йил бошиданок режа тузади. Узининг банкда ҳисоб рақами бор. Ҳўжалик фаолиятини мустақил юритади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Муносабат

Ҳар қандай тараққийпарвар жамятининг энг табаррук ва муҳим вазифаларидан бири — шу жамяят аъзолари кадр-қимматини ва ҳўрмат эътиборини ўз жойига қўйишидир. Мустақилликка эришиб, демократик жамяят кураётган Ўзбекистон Республикасида халқнинг кадр-қимматини тиклаш борасида қўлинаётган ишлар ҳар бир инсонни ҳўшуд эга олади. Бу ишда Республикаимиз Президенти Исом Каримов кўрсатётган ташаббус диққатга сазовордир.

Аждодлар хоки муқаддас

Аввало шунинг айтиши керакки, «Тарихий хотира» келажак йўли» деган қанотли ибора Юртбошимизга тегишлидир. Бу сўзнинг қанчалик қўчур маънога эга эканини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Чўнки тарих илдизларимиздир. Илдиздан айрилган ҳўёт дарахти кўкармайди, ҳар лаҳза қўриб қолишга маҳкум. Биз тарихимизни, мазийда ўтган, илмий маданиятимизга, илм-фанимизга ҳисса қўшган буюк сиймоларни қанчалик ўргансак, улар илм ва аъмолларини ҳўётга татбиқ этсак, халқ сифатида шўнчалик ҳўрмат топамиз. Чўнки илдизи мустаҳкам халқ қисмати минг йилларликқа пойдо. Еки оддий бир ҳўқиқатни олайлик. Биз отларимизни эсласак, азиз тўтасак, бу анъанани боғларимиз кўради, ёйида сақлайдилар ва келгусида бизни ҳам эъзозлаш аниқ.

Борот БОЙҚОБИЛОВ.

Тадбиркорлар — томорқада

Ҳ. Асадов номли масъулияти чекланган ишлаб чиқариш корхонасининг 12 гектар ер майдони бор. Унинг 6 гектари несиҳона. Ўтган йил мазкур несиҳонадан олтинга соф даромад 21,4 миллион сўмни ташкил этди. Корхона нафақат даромад билади, балки хайри ишлар билан ҳам тўла тўли.

А. САТТОВ.



Ишлаб чиқаришга — янги технологиялар

«Булоқбоши ипачи» акциядорлик жамяяти Андисон вилоятида пилла хомашёсидан табиий ипак ишлаб чиқаришга иқтисослаган ягона корхонадир. Айни кўнларда 475 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоа жерий йилда 75 тонна табиий ипак ишлаб чиқаришни режалаштирган. Корхона аҳли сифат ва самарадорликка, янги технологияларни татбиқ этиш устида ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида изланишлар олиб бормоқда. Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун яқинда Жанубий Кореядан 1355 минг АҚШ доллари қўйиматидаги дастгоҳлар олиб келишиб, уларни ўрнатиш ва созилаш ишлари бошлаб юборилди. Корхона мутахассисларининг айтишича, мавжуд ускуналарнинг эскириши тўғрисида махсусот сифати пайсыйб, харидорлиги

Самудрим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТА: Жанубий корейлик мутахассис Чон Че Юн (чапда) ва булоқбошилик устали Режавали Нуриев, Илёс Эргашевлар билан дастгоҳ афзалликлари хусусида суҳбатлашмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ГАП — СЕРОБ, СУВ — ТАНҚИС

Шаҳрингизни яхши кўрасизми, деган саволимизга термизлик Ақром Ҳамидов шахрим — ўзимнинг уйим, уйини ким ҳам ёмон кўрарди, деган эътирозим жавоб қайтарди. Кечкурунлари баландроқ жойдан қарасангиз, Термиз муҳташам қандиға ўқшайди. Мен бўлса шахримизни гуллаб турган мевали дарахтга ёки Амударё билан қўмликлар ўртасида тўшаб қўйилган чиройли тиламга қиёс қиламан, деди.

А кромжоннинг бу мактўбларига статистик маълумотлар ҳам уйғун экан: бу кўнча ва навқирон шаҳар ўз фойза газ, 99 фойза ичимлик суви билан таъминланган. 7 та йиллик санаот, 14 та қўшма, 2000 тага хусусий ва кичик корхона ишляпти. 18 та уй-ҳўй ширкати, 30 та маюмликлар билан йилларда йилнинг илмий, ободонлаштириш бошқармаси, яна ўнлаб бошқа идоралар шахримизни оқ ювиб, оқ тарайман деб турпти.

оқова» корхонасининг аҳолидан дебиторлик қарзи 14 миллион, ташкилотлардан қарзи 22 миллион сўмдан ошди. Ҳўжалик судларини ҳўкамликка чорлар ҳам маълум қўшма қорларни ўрнатишни жаладлаштириш ҳаракатини қилмоқда. Маҳаллар билан ҳамкорликда тартибот ишлари кўчатирилмоқда. Бирок кўнгина ширкатлар қўшида ҳали-ҳамон коммунал иншоотларни таъмир-Мулоҳаза

жўмакни ёпиб қўйдимми? Оқова сув қудугига чиққинди ташлаётган одамнинг ёнидан нега мум тиллагандай ўтиб кетасан?» — Биз чиққиндиларни ташиб чиққарилган янги техника воситаларини олиб келдик. Вилотимиз туманлари шахримизнинг 5 та маҳалласига коммунал хизмат учун биттадан трактор тортиқ қилди. Лекин шу билан ҳам қўйилмади қолапимиз. Аҳолидан тўловларнинг вақтида келиб тушмани учун ёниг ололмапмиз, — дейди Мухаммадиев. — Ишимиз тўхтаб қоляпти. Шаҳардаки чиққинди уюлиб қолдимми... Шу ўрнида биз шаҳарнинг «Жўй-жангал» деб номланган маҳалласи фаолиятдан бир шингил айтиб ўтинни жоиз топдик. Авваллари Жангалга сув деб аталган бу жойнинг умумий майдони 300 гектар. 5 минг аҳоли яшайди. Бу ерда одамлар, ўри ё безори билан илмий, қўчат ўққани ва сув таъминоти билан ҳўкимият шуғулланган, деб қўраб ўтирмайдилар.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бундай дахшатли воқеа юз бермаслиги учун унинг олдини олиш керак, албатта. Ўзбекистон Президентининг террорнинг бу йўсинда ривожланиб, кенг кулоч ёйишини анча аввал кўра билганлиги. Исом Каримов йиллар мобайнида БМТ минбаридан, турли йirik халқаро анжуманлардан фойдаланиб, жаҳон ҳамжамиятини халқаро террор хавфидан огоҳ этиб келди, унга қарши жипслаганишга даъват этди. Мамлакатимиз раҳбари биринчи бўлиб БМТ ҳузурида халқаро аксилтеррор маркази тузиш ташаббусини илгариси сурди. Лекин айрим сиёсатчилар ва ташаббусдан фақат ўз мамлакатининг ҳарбий-сиёсий мафдаатларига хизмат қиладиган блоклар тузишга фойдаланишга уринди. Дунёвий миқёсда ишловчи ҳақиқий аксилтеррор маркази тузиш вазифаси орта сурилиб келавери.

Ҳатто ҳозир ҳам масалага бундай юзаси қараш тўхтагани йўқ. Сиёсатдан анча узоқ соҳалар вакилларининг анжуманларида ҳам якуний ҳужжатда “аксилтеррор вазифалар”ни учратиш мумкин. МДХ доирасидаги воқеалар ҳам яхши мисол бўла олади. Шу боис ҳам Ўзбекистон халқаро террорчиликка қарши чинакам бирлашуви бошланган АҚШни бошидан қатъий қўллаб-қувватлади.

Бу борада иккиланган мумкин эмасди. Чунки АҚШ Ўзбекистон раҳбари бир неча йил давомида куйиниб гапириб келган ишни, умумий иллатга қарши курашга дунё давлатлари бошини қўштириш вазифасини ўз зиммасига олган.

Террорнинг асосий уясига айланган Афғонистон халқаро коалициянинг биринчи нишони бўлди. Одамлар кўнглига гулгула солиш, саросима, хавотир уйғотишга уриниш билан коалицияни бу йўлдан қайтармоқчи бўлганлар ўшанда ҳам кўп эди. Нафақат террорчиларнинг ўзи, айрим сиёсатчилар ҳам “кўтаринки руҳ билан” ҳар қандай зарба муносиб қаршилишни, операция узоқ чўзилиши ва кўп қон тўкилиши ҳақида гапирди.

Лекин Афғонистон борасида кўпчилик “мутахассислар” эълон қилган башоратлар ўз тасдиғини топмади.

Ироқдаги воқеалар ҳам шу йўсинда ривожланди. Саддамнинг “минтақадаги энг қудратли армияси”, кўнглили ироқликлар ва четдан келган мужоҳидларнинг аёвсиз ку-

рашга шай тургани бот-бот тақдорланди. Коалиция аскарлари ё қочиб чиқиши, ё уйига тобутда қайтиши айтилди. Ҳозир ўша “мутахассислар” қандай аҳволда экан? XXI аср ҳарбий техникасига қарши 60-йилларнинг қолдиқлари билан курашиб бўлмаслигини улар билишмасмиди? Гап техникада ҳам эмас. Йиллар давоми-

ҳар қанча қўйин бўлмасин, асир тушган 100 минг ҳарбийга зиён етишига йўл қўймасди. Алаоқибат уларни Қизил хоч вакилларига топширдик. Асирлар билан егулик бўлишимиз эсимда. Бу Ироқдаги халқлар бир-бирига адоват сақламаслиги, фақат тузумгина одамларни қон қақшатиб келганига оддий бир

қўйиб келди. Мамлакат ташқи дунёдан узилган, “Нефть эвазига озиқ-овқат” дастури “андай ижро этилаётганини одамлар билмасди. Давлат белгиланган кундалик меъёрга озиқ-овқат бериб турар, лекин унга қаноат қилиш гоят мушкул эди. Дори-дармон, озиқ-овқат, ичимлик суви танқислигининг ўзиёқ халқнинг сил-

1990 йилга келиб, у араб дунёсидаги авомий фикрлардан фойдаланди ва бу дунёнинг қаҳрамонига айланди. Аксилтеррор ва аксилтеррор кайфиятлар, Фарбнинг гуёки араб олами буйсундириш ё ҳалокатга учратиш режалари ҳақидаги афсонаю тўқималар авомнинг Саддамга меҳрини оширди. Қувайтга ўзбошим-

сўзларининг ҳақиқатдан йироқлиги, ўзларининг алашганини англаб етармиди...

Президент Исом Каримов операция бошланганидан анча аввал ана шу моҳиятини аниқ равшан очиб бериб, Ўзбекистон нима учун АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалициянинг саяё-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганини афрофилча шарҳлаб берди. Бу борада иккиланган, мулоҳазага бориш, андишага ҳожат йўқлигини тушунтириб берди. Ягона ҳақиқат шуки, ҳеч нарсадан қайтмай диган террорчининг қўлига оммавий қирғин қуроли тушиб қолса, улкан фожианинг олдини олиб бўлмайди. Яъни, бутун ҳаракат қилинмас, эртага кеч бўлади. Чунки чегаралар ҳар қанча мустаҳкам, назорат ҳар қанча кучли бўлмасин, хавфсизлик кучлари ҳар қанча яхши ишласин, назарий жиҳатдан олганда, бундай қуролини мамлакатдан мамлакатга ўтказиш, қўлдан қўлга ўзатиш мумкин. Шунинг учун ҳам бундай қуролини яшириб ўтирган Саддам Хусейн ҳокимиятига дунёга хавф солаётган тузум сифатида қаралди. Бу тўғрисида шундай эди ва Ўзбекистон ана шу ёндашуви ёқлаб, одил йўл тулди.

Айрим “билимдон мутахассислар” эса охириги вақтларда зўр бериб, оммавий қирғин қуроли топилаётгани ҳақида гапирмоқда эди. Лекин кўчма лабораториялар топилди. Устига-устак, бундай қуролини бутун бир мамлакатни қидириб топиш ҳам осон кечмаслигини унутмаслик керак. Чунки ҳудуд катта, қуролнинг тарқиб қисмлари эса оддий минерал ўғит ҳам бўлиши мумкин.

Хуллас, Ироқда халқ галаба қозонди, дейишга барча асослар етарли. Мамлакат улкан салоҳиятга эга. Тикланиш лойиҳалари жиддий муҳокамада. Бу мавзуда сўз юритилган экан, иқтисодчилар Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Япония ва Германияни эса кўп олапти. Имкониятлар етарли, ёрдам қўлини чўзаётганлар кўп. Демак, Ироқ демократия тамойиллари қарор топган, иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқ мамлакатга айланганига шубҳа йўқ. Энг муҳими, энди фаровон ва тинч ҳаёт йўлига Саддам ва унинг сиёсати тўқсинлик қилмайди, дунёдаги террорчилар афродидига тўр эса янада таранглашиши. Ва террор яқин орада чок-чокидан ситилиб кетиши аниқ.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Ривожланиш бошланди

Саддам Хусейн даврида камбағаллик ва талончиликка маҳкум бўлган, Ироқдаги энг йirik шаҳарлардан бири Басрада ҳаёт аста-секинлик билан изига тушмоқда. 7 та телефон станцияси ишга тушиб, шаҳар суви ва электр энергияси билан 90 фоиз таъминланмоқда. “Биз ўттиз йил зулматда яшадик”, дейди 60 ёшли Саддам Оғил. “Энди биз эркинмиз. Қўндан-қўн ҳаёт яхшиланмоқда.”



Бироқ омма орасида турли жинойи ва террорчилик ҳаракатларидан хавфсизлаш хисси ҳамон сақланиб турибди. Икки йилдан буён қайтадан очилган бўлса-да, уларда таҳсил оладиганларнинг яқин дарсга қатнашмоқда. Ота-оналар болаларининг ҳаётини хавотирдан, Шифохоналарда туниги соқчилиги ташкил этилган. Шунга қарамай, 5 миллион аҳолига эга бўлган ва Саддамнинг бутун кучи тўпланган Бағдоддан фарқли равишда, Басра ижтимоий, иқтисодий ва маиший ҳаётида ривожланиш кузатила бошланди.

(USA Today газетаси.)

Президент матбуот Котиби Кетмоқчи

Буш маъмуриятининг энг кўзга кўринган вакилларидан бири Ари Флейшер июль ойида сиёсатни тарқ этажанини маълум қилди. Assosiated Press мухбири билан бўлган телефон орқали суҳбатда “Оқ Уйдан кетиш пайтим етди деган қарорга келдим”, — деди Флейшер.



Президент Жорж Бушнинг 42 ёшли бош матбуот котиби ўз фаолиятини хусусий тадбиркорликда давом эттириш ниятида. Исми маълум қилинмаган Оқ Уйнинг расмий шахсларидан бири Флейшерга таъриф берад экан, “Ари Бушнинг сайлов компаниясидаги муваффақиятларида катта роль ўйнади. Икки уруш давомида мамлакат раҳбариятининг жамоатчилик билан яхши алоқасини таъминлади. Бу 5 та матбуот котибининг хизматларидан ҳам аълоқдор” деган.

(The New York Times.)

Ярим миллион доллар жарима

Лос-Анжелосдаги Калифорния университетининг 26 ёшли собиқ талабаси Рафаэль Шаулиан маҳаллий суд томонидан катта миқдордаги жаримга ҳукм қилинди. У 5 та йirik фонд биржаларидаги нархларни интернетда ёлгон хабарлар тарқатиш орқали ўзгартириб юборган. Шаулиан электрон фирибгарлик ёрдамида 410 минг доллардан зиёд маблағни ўзлаштиришга улгурган ва отаси Самюэл, акиси Рабин Шаулианлар билан бирга бу пулларни 21 та банкка жойлаштирган. Дистрикт суди судьяси Б.Маршалл даъвогар — Валюта ва хавфсизлик комиссияси талабларини инобатга олган ҳолда Шаулианлар оиласини 534408 АҚШ доллари миқдорига жарима тўлашга ҳукм қилди.

(Evening Times.)

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида Ботиржон ҒОҒУРОВ тайёрлади.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Анвар БОБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ЖАРАЁН ВА МОҲИЯТ ТАЛҚИНИ

да эзилган қурдлар, шиалар, Саддам истибодидан зада бўлган бошқа миллат ва эллар вакиллари мустабид томонида туриб жангга киришини ўзи ҳар қандай мантиққа зид эди. Истибоддан роҳат қўрган бир тўда содиқ ҳарбийлар ва бошқа мамлакатлардан келган экстремистларгина қўлига қурол олиши мумкин эди. Лекин тузумнинг алолат-силлини уларнинг ҳам йўлига тўғаноқ бўлди. Раҳнамоларнинг қочгани қочди, сотилгани сотилди. Хориждан келган “ёрдамчилар” учун эса сичқоннинг ини минг таंगा бўлиб қолди...

Ироқдаги вазиятга баҳо берганда, коалиция операцияни муваффақиятли ақунлади — юртни зулм ва истибоддан халос этди, чинакам галаба эса жафокаш халққа насиб этди, дейиш ўринлидир. Ўзбекистон раҳбарияти террорнинг пайини қирқишга қаратилган бу операцияни қатъий қўллаб-қувватлаганида, Ироқда демократия тикланишини, мамлакат янги ҳаётга қадам қўйишини ҳам эътиборда тутган.

Зулмини шунчаки зулм десак, уни тўла очиб беролмаймиз. Шунинг учун айрим мисолларга муносабат қиламиз. Саддамга қарши исён қатнашчиси киркулик Мам Рустам бундай дейди:

— 1991 йили Сулаймония, Арбил, Дохукни ҳукумат қўшинларидан озод қилгандик. 21 март куни она шахрим Киркукка кирдик. Ҳарбийлар, хавфсизлик кучлари ходимлари ва разведкачиларни қўришад олдик. Яқинлари ўлдирилган одамлар газаб билан уларга ташланди. Лекин

далиллар. Исёнчиларнинг аёллари нималарни бошдан кечиргани ҳақида Гулзор Аҳмад коним сўзлайди:

— Жабборий қишлоғида яшардик. 1981 йили Ироқ армияси келиб, эркак ва аёлларни ажратди. Бизни юк машиналарида сахрога олиб чиқиб ташлашди. Атроф пиканли сым билан ўралган. Қўнсуларни жазирага иссиқ, кечалари қаттиқ совуқ бўларди. Егулик ва сув етишмаслигидан ҳар куни бир неча киши ҳаётдан кўз юмарди. Мурдалар сымдан ташқарига чиқариб ташланар, йирткич ҳайвонларга ем бўларди. Кўпчилик ўлиб кетди. Жойдан-жойга кўчиравериш, силламизни қуритишди. Уй-жой, мол-мулкмиш мусодара қилинган эди. Лагердан қайтганимда яқинларимнинг ёрдами билангина омон қолдим. Менга ўхшаган аёллар эса юз мингдан ошади.

Эримни ўшандан буён кўрганам йўқ. Утган йили октябрда Ироқ ҳукумати умумий афв эълон қилганини эшитдим. Лекин Жабборийдан олиб кетилган бирорта ҳам эркак қайтиб келгани йўқ. Афв ҳақидаги эълон мен учун эримнинг ўлимнинг тасдиқловчи хабар бўлди.

Абу Аббос Ироқ шиаларидан. Шифокор. Буюк Британияда яшайди:

— Ироққа охириги марта борганимда яна минглаб аёллар эридан жудо бўлганидан хабар топдим. Эрлари ё қатл этилган, ё қамоқда, ё бедарак йўқолган. Улар тузумдан норозилик билдиргани учун аёллар ва болаларига муносабат ҳам ёмон эди.

Истибод бутун халқни

ласини қуриб ташлади. Зулмга қарши бўлганлар қаторида мутлақ беайб болалар, касалланган аёллар, кексалар ҳаёт билан видолашди.

Бундай одамларнинг қай бири Саддам Хусейнни ҳимоя қиларди? Улар ўзи ҳам, яқинлари ҳам, қўни-қўшинисю маҳалладошлари ҳам — барчаси бир-биринга дардош. Ироқнинг “шонли армияси” — да хизмат қилган аскарлар ҳам бу гаплардан яхши хабардор эди. Шунинг учун ҳам Саддам Хусейн шармандали мағлубиятга учурди. Унга ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам адолатсизликка таянгани панд берди.

Бағдодда Саддам Хусейннинг ҳайкали қўпорилиши акс эттирилган видеоларни кўрган одам бўлмас керак. Миллати, дини, иқтимоий аҳоли ва мавқеидан қатъи назар, барча одамлар уни топмади. Кейин унинг суратлари, бошқа ҳайкаллари, қўйингиси, Саддам шахсини ифодаловчи ҳар бир ашё шундай тақдирланди.

Саддам шундай жазога лойиқ қўрилди. Ҳамма экканини ўради. Зувронлиқни қурол қилган Саддам бепанаслик билан, ўзини бундан истисно билиб келди. Юз минглаб одамлар жасадини топтаб, ҳокимият чўққисига чиққан Саддам бошдаёқ ўз сиёсатининг бош тамойилини қўйиладигани белгиланган: “Авал қўрқадим, кейин ҳурмат қилишга мажбур бўладим”.

Айрим хабарларга қараганда, Саддам ўз китоб жавониди асосий ўринларни Сталин, Гитлер каби “қирғин илмининг даҳолари” асарларига ажратган.

чалик билан қирган, чиқиб кетиш ҳақидаги талабларни назарига илмаган Саддам ўзига хос умумараб қаҳрамонлиги рамзига айланди. Дунёқарашни таро одамлар учун унинг Қувайтдан шармандали чиқиши, мамлакатнинг юз минглаб фуқароларини ўлдирishi, одамларни оч-наҳор ташлаб қўйгани ҳолда ўзига бир нечталаб саройлар қуриши аҳамиятли эмас, фақат “қаҳрамонлиги” муҳим. Хориждаги баъзи оммавий ахборот воситаларининг билдиришича, Яқин Шарқдаги айрим майда дўконларнинг пештахталарида “Майн кампф”ни, Саддам Хусейн ва Усома бин Лодиннинг портретларини топиш мумкин.

Энди бевосита операциянинг якунларига келсак. Қузатувчан мутахассислар қўйидаги далилни таъкидламоқда: террорчилар кўнглига, ҳақиқатан ҳам, гулгула тушган. Операция бошлангандан кейин АҚШда бирорта террорчилик ҳаракати содир этилмади. Хафтасига 2-3 марта бўладиган Исроилда ҳам унинг сони нисбатан камайди.

Ироқнинг ўзида қисқа вақтда, энг кам талофат билан галабага эришилди, Pentagon comptroller операция харажатларини 20 миллиард АҚШ долларига тенг, деб баҳолади. “Уруш ойларга чўзилди, уммонортига минглаб тобутлар юборилди, харажат юзлаб миллиард билан ўлчади”, деган “мутахассислар”нинг нафаси ичда қолди.

Афсуски, “мутахассислар” жараённинг ўзини талқин этиш, турли башоратлар эълон қилиш билан овуниб қолди. Жараённи эмас, моҳиятини идрок этганида, гап-

С COSCOM

7 йиллигига яна 2 янгилик

РОУМИНГ ва ХАЛҚАРО ҚЎНФИРОҚЛАР

33% гача арзонлаштирилди

Тел.: 180-00-00, 181-00-00, 182-00-00

Боқий кадрят

Ўрта асрларда юртимиздан кўплаб буюк муфассирлар, муҳандислар, мутакаллиму фақиҳлар етишиб чиқиб, оламшумул аҳамиятга молик бой илмий-маънавий мерослари билан донг таратганлар. Истиқлолимиз шарофати билан уларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда, айтиш керакки, ҳали бу жабҳада кўп ишлар қилиниши керак. Бу хайрли ва муҳим соҳанинг диққатга сазовор яна бир томони шундаки, аждоқларимиз яратиб кетган меросни ўрганишга хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш катта. Фикримизга далил сифатида гўзал Фарғонанинг Ломиш қишлоғидан чиққан йирик олим Маҳмуд ибн Зайд ал-Ломийий ҳақидаги тадқиқотни кўрсатиш мумкин.

АЛ-ЛОМИЙИЙ — калом ва фикҳ илмининг алломаси

Ўзма манбаларда келтирилганича, Ломиш қишлоғидан бир қанча олимлар — ал-Ломийийлар етишиб чиққан бўлиб, улардан иккинчиси, айниқса, алоҳида шўҳрат қозонган. Абу ас-Сана Маҳмуд ибн Зайд ал-Ломийий ҳанафий мазҳаби бўйича йирик мутакаллиму ва фақиҳ сифатида танилган. Иккинчи ҳадисшумул олим ал-Хусайн ибн Али ибн Абдулқосим Имом ал-Ломийий милодий 1049 (ҳижрий 41) йилда Ломиш қишлоғида туғилган ва милодий 1128 (ҳижрий 522) йилнинг рамазон ойида Самарқандда вафот этган. Иқовлари ҳам ал-Ломийий нисбаси билан аталгани ва давр жиҳатдан деярли бир асрда яшаб, фаолият кўрсатганлари боис, баъзи олимлар ўз асарларида уларни бир-бири билан чалқаштириб, хатоликларга ҳам йўл қўйганлар. Биз ушбу мақолада ҳаёти ва асарлари ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Маҳмуд ибн Зайд ал-Ломийий. Афсуски, Ўзма манбаларда у ҳақда юзтага кам маълумотлар берилган. Ҳатто таваллуд ва вафот этган йиллари ҳақида ҳам аниқ сана кўрсатилмай, ҳижрий бешинчи (милодий ўн биринчи) асрнинг охирида ва олтинчи (ўн иккинчи) аср бошларида яшаб ўтганлиги қайд этилган.

Гарчанд олимнинг ҳаётига доир маълумотлар (ҳозирча) шу даражада кам бўлса-да, лекин унинг қаламига мансуб икки муҳим асари ҳақида муфассалроқ баён қилиш имконияти бор. Гап шундаки, бундан бир неча йиллар муқаддам Париждаги илмий тадқиқотлар миллий марказининг бўлим мудири, доктор Абдулмажид Туркий ўз илмий қизиқишлари юзасидан Истамбулдаги нодир Ёзма ёдгорликлар сақланган Сулаймоний кутубхонасидаги кўлэмалар билан танишиш пайтида тасодифан имом ал-Ломийийнинг иккита асарининг иккинчидан кўлэмасига дуч келади. Бу кўлэмалардан бири илоҳийт масалаларига бағишланган «Китоб ат-Тамҳийд ли-қавовид ат-тавҳийд» (Тавҳийд (Аллоҳнинг ягоналиги) қондаларига доир қўлланма китоб) деб аталиб, унинг сарварига муаллиф ҳақида «ал-ломи ал-аллома шайх ул-ислом ал-Ломийий» деб ёзилган. Иккинчи кўлэмалар эса фикҳ (ислом қонуношунослиги) асослари ҳақидаги «Китоб фи усул ал-фикҳ» номли асарларда бирор марта ҳам эслатилмаган. Шунингдек, замонавий тадқиқотчилардан биронтаси ҳам у ҳақда ҳеч бир маълумот келтирмаганлар. Имом ал-Ломийийнинг исми зикр этилган кам ҳолларда эса фақат унинг иккинчи асарига битган «Муқаддимаси» муносабати билан эслатилган. Доктор Абдулмажид Туркий ўзи топган кўлэмалар устида кенг қўламада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб, уларнинг таълими ва тарқатиш тартибини тайёрлади. Натижада 1995 йилнинг ўзида «Китоб ат-Тамҳийд ли-қавовид ат-тавҳийд» ҳам, «Китоб фи усул ал-фикҳ» ҳам бирин-кетин Байрутдаги «Дор ал-

гарб ал-исломий» матбаасида чоп этилди. Маълумки, ислом динидagi ақидавий масалаларни ёритиш ҳар қандай даврда ҳам олим уламоларнинг диққат марказида бўлиб келган. Мовароуннахр диёрида ақида масалаларига бағишланган дастлабки асарлардан бири мотуғийнинг «Усул ал-фикҳ» асариди Абул Муъийн ан-Насафийнинг «Табсирут ал-адиллати» асаридан айнан кўчирган баъзи ўринларини қўсий келтиради. Мавриди келганда Абул Муъийн ан-Насафий ва имом ал-Ломийий муносабатларига бир қалар тўхталиш лозим кўринади. Доктор Абдулмажид Туркий ан-Насафийнинг ал-Ломийийга устозлиги ҳақида узи-кесил ёзмада, ал-Ломийий ўз асариди Насафийни устоз (шайх) деб зикр қилади ва унинг асаридан бевосита иқтибослар келтиради. Таажубланарли томони шундаки, ал-Ломийий ан-Насафийнинг фақат йирик асари «Табсирут ал-адиллати»дан фойдаланган, ваҳоланки, ан-Насафий ҳам илоҳийт масалаларига оид «Китоб ат-Тамҳийд ли-қавовид» номли асар ёзган. Ал-Ломийий эса ундан нафақат фойдаланган, балки уни зикр ҳам қилмаган. «Бахр ал-калом» асари ҳақида ҳам айнан шу фикрни айтиш мумкин. Бу ҳақида аниқ маълумотлар келгусидаги излашлар натижасида аниқланади деган умиддамиз. Ал-Ломийий ўз асариди ўша даврда мавжуд бўлган турли-туман диний тоифалар ва гуруҳлар — марқиюндлар, мужассамалар, дайсонийлар, карромийлар ва бошқаларга таъриф беради, уларнинг қарашларига ўз муносабатини баён қилади. Узоқ ўтмишда яшаб фаолият кўрсатган бизнинг буюк аждоқларимиз илм-фаннинг турли соҳалари каби калом ва фикҳ илмларига оид қимматли асарлар ёзиб қолдирганлар. Уларни илмий асосда чуқур ўрганиб, кенг халқ оmmasига етказиш олимларимиз олдида турган шарафли вазифалардан ҳисобланади.

- Ломиш қишлоғидан чиққан буюк мутакаллиму ва фақиҳ
- Франциялик олимнинг муҳим кашфиёти
- Саққиз аср дом-дараксиз «гойиб» бўлган кўлэмалар топилди
- Имом ал-Мотуғийийнинг «кенжа» шогирди

«Ибн Сино» маданият марказида Ўзбекистон халқ артисти, гўзал раққоса ва ажойиб ташкилотчи Мукаррама Турғунбоевнинг 90 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Тадбирда Розия Каримова, Маъмура Эргашева, Тальат Сайфуллоев, Қаҳрамон Дадаев ва бошқалар Мукаррама хоним ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида сўзлашди. Ўзбекистон халқ артисти, мураббий раққосанинг энг яқин ва сулокли шогирди Қўндўз Миркаримова эса дил изҳорини «Тановор» рақсида ифодалади. Сўнгра «Умид» болалар халқ рақси ансамбли ижросидаги турли халқ рақслари, ёш хонандалар Абдулла Қурбонов, Тоҳир Тўлаганов, Нигора Исабоевалар қуйлаган қўшиқлар янгради. — Ҳар жиҳатдан бетақдор Мукаррама опа менинг ҳам устозим эди, — дея хотирлайди «Ибн Сино» маданият маркази директори, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов. — Опа билан 15 йил бирга ишлаганман. «Баёт» халқ студиясида раҳбарлик қилганимда 12 та хорижий мамлакатда концерт берганмиз. Ҳар бир концерт дастурини олдиндан опага кўрсатиб, йўл-йўриқ ва маслаҳатга қатъий амал қилар, сўнг сафар олдиндан оқ фотихасини оларди. Шу кунгача қатор санъаткорларнинг хотира кечаларини ўтказдик. Г. Йўлдошева.

Рақс маликасини хотирлаб

«Ибн Сино» маданият марказида Ўзбекистон халқ артисти, гўзал раққоса ва ажойиб ташкилотчи Мукаррама Турғунбоевнинг 90 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Таъбирда Розия Каримова, Маъмура Эргашева, Тальат Сайфуллоев, Қаҳрамон Дадаев ва бошқалар Мукаррама хоним ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида сўзлашди. Ўзбекистон халқ артисти, мураббий раққосанинг энг яқин ва сулокли шогирди Қўндўз Миркаримова эса дил изҳорини «Тановор» рақсида ифодалади. Сўнгра «Умид» болалар халқ рақси ансамбли ижросидаги турли халқ рақслари, ёш хонандалар Абдулла Қурбонов, Тоҳир Тўлаганов, Нигора Исабоевалар қуйлаган қўшиқлар янгради.

— Ҳар жиҳатдан бетақдор Мукаррама опа менинг ҳам устозим эди, — дея хотирлайди «Ибн Сино» маданият маркази директори, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов. — Опа билан 15 йил бирга ишлаганман. «Баёт» халқ студиясида раҳбарлик қилганимда 12 та хорижий мамлакатда концерт берганмиз. Ҳар бир концерт дастурини олдиндан опага кўрсатиб, йўл-йўриқ ва маслаҳатга қатъий амал қилар, сўнг сафар олдиндан оқ фотихасини оларди. Шу кунгача қатор санъаткорларнинг хотира кечаларини ўтказдик. Г. Йўлдошева.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

«ЎЗБЕКИСТОН»

ДАМ ОЛИШ-СОГЛОМЛАШТИРИШ АҚЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ

сизларни КИСЛОВОДСК ВА ЯЛТА шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сўхатгоҳларида табиат қўйнида хордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишни таклиф қилади.

Ўзбекистон фуқаролари учун нархлар арзонлаштирилган.

Манзиллимиз: Тошкент ш., С.Димов к., 65-уй. Телефонлар: 133-55-18, 132-67-13, 133-64-92.

ТАШКИЛОТ

авто ва қишлоқ хўжалик машиналари шиналарининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланади

- Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган.
- Ҳар хил русумли шиналар.
- Энг арзон нархда Тошкентдаги омборхонадан.

Маҳсулот Тошкент шаҳрида.

Ташкилотларни вилоят дистрибьютерлигига таклиф қиламиз.

Телефон: (998 712) 132-24-71. Факс: 132-24-72, 79-28-75, 79-28-77. E-mail: urald@rol.ru

АВТОМОБИЛЬ — КРЕДИТГА!

«ЎЗДЭУАВТО» АЖ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ БАНК ТАКЛИФ ЭТАДИ!

СИЗ АВТОМОБИЛЬ ХАРИД ҚИЛАСИЗ, БАНКДАГИ ҲИСОБВАРАҒИНГИЗДАГИ ПУЛЛАР ЭСА СИЗНИНГ ФОНДАНГИЗГА ИШЛАЙДИ!

КРЕДИТЛАШНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ СХЕМАЛАРИ.

МАҚБУЛ ФОИЗ СТАВКАЛАРИ.

АРИЗАЛАРНИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН КЎРИБ ЧИҚИШ.

БУЮРТМАЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ БАРЧА БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Батафсилроқ маълумотни сиз 34-11-17, 137-62-83, 137-62-76 рақамли телефонлар орқали ёки бизнинг www.nbu.com деган интернет-сайтимиздан олишингиз мумкин.

ЭЛЕКТРОН ТАРОЗИЛАР

Савдо

- Автомобиль
- Вагон
- Платформа
- Лаборатория тарозилари
- Дозаторлар

Сотиш, ишлаб чиқариш, модернизация, сервис хизмати

С.Азимов кўч., 72-а, тел.: 132-07-14, 132-07-21, факс: 132-06-85. www.ucdgroup.com www.ucd.uz E-mail: scales@ucd.uz

«BTL»

ДИЛЕРЛАР, ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ ОБУНА БЎЙИЧА МАБУОТ, КИТОБ ВА КЎРГАЗМАЛИ ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ РЕСПУБЛИКАНИНГ МИНТАҚАЛАРИДА ТАРҚАТИШ УЧУН ТАКЛИФ ЭТАДИ.

СЕЗИЛАРЛИ ДИЛЕРЛИК ЧЕГИРМАЛАРИ БЕРИЛАДИ.

УКИТИШ ВА МАСЛАҲАТЛАР БЕРИШ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

133-16-16 WWW.btlagentstvo.narod.ru
139-17-54 e-mail: btlfezkor@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Иқтисодий, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Асатилла Дўстовага падари бузуқворчи ИСМОЙЛ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Тошкент» телеканалининг директори Незамитилла Сандохонва рафиқаси МУЪТАБАР опанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.
Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари номдори Раҳматулла Нигматовга падари бузуқворчи Нигмат ота ШУКУРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Алишер Навоий номли Кино сароёи жамоаси Давлат акционерлик «Ўзбекино» компаниясининг раиси Мурод Муҳаммадустова укаси Эмомалӣ ХОЛБОЗОРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси «Қурилиш механикаси ва иншоотлар энгиллабардошлиги» кафедрасининг доценти П. Х. Хамраева акиси Умархўжа ХАМРАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.	

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қашибегенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 428; 29565 нусхада боёқланган, ҳажми — 2 табоқ. Об'ект усулида боёқланган. Қоғоз бичими А-2. Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамид ТОҒАЕВ ва Аббар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди. Тахрирда ҳажми 5 қоғоздан ибид материаллар қабул қилинмайди. [Г]—Тижорат материалли

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — С. Домбров, Мусаххих — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6